

**ЧИРОҚЧИ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ  
– СОН БАЁННОМАСИ**

---

**Йиғилиш ўтказилган  
сана, вақт:**

2018 йил 30 июнь  
соат 14<sup>00</sup>  
(сиртдан)

**Йиғилиш ўтказилган  
жой:**

Қашқадарё вилояти,  
Чирокчи тумани.

**Мажлисида раислик қилувчи:**

**Кузатув кенгаши аъзси:**  
Эролов Шухрат Алимардонович.

**Қатнашдилар:**

**Кузатув кенгаши аъзолари:**  
Мирзаев Тўлқин Эшқобилович  
Сафаров Шухрат Исматович  
Рахмонов Жамшид Махмадиевич  
Жураев Фарход Жовлиевич

**Мажлис котиби:**

А.Эшмуродов – Жамиятнинг акциядорлар  
билан корпоратив муносабатлар хизмати  
бошлиғи.

**Кворум:**

**100 фоиз.**

**Таклиф этилди:**

А.Хайтов – Жамият Бош директори;  
С.Муротов – Жамиятнинг молиявий  
масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи;  
А.Хидирназаров – Тафтиш комиссияси  
раиси.

**КУН ТАРТИБИ:**

- 1. Кузатув кенгаши мажлисида раислик қилувчини сайлаш.**
- 2. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санасини бошқа санага кўчириш тўғрисида.**

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан – Кузатув кенгаши аъзоси Ф.Жураев сўзга чиқиб, Кузатув кенгаши мажлисида раислик қилишга кенгаш аъзоси **Эролов Шухрат Алимардонович** номзодини кўриб чиқишни тавсия этди.

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан кун тартибидаги биринчи масала муҳокама қилиниб, таклиф овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдор – 5 нафар;**

**Қарши – йўқ;**

**Бетараф – йўқ.**

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

- 1. Кузатув кенгаши мажлисида раислик қилувчи этиб Эролов Шухрат Алимардонович сайлансин.**

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан – Мажлисида раислик қилувчи Ш.Эролов сўзга чиқиб, “Чирокчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти

акциядорларининг 2018 йил 30 июндаги умумий йиғилиши бўйича тузилган санок комиссиясининг 2018 йил 30 июндаги йиғилиш баённомаси билан мажлис иштирокчиларини таништирди (*санок комиссиясининг йиғилиш баённомаси нусхаси илова қлинади*).

Мазкур баённомада акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш учун жамиятнинг **410320** дона овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги, бу ўз навбатида, жамият томонидан жами жойлаштирилган оддий акцияларга нисбатан **30.1** фоизни ташкил этганлиги маълум қилинган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 68–моддасига асосан акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинишини ҳамда акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Бундан сўнг Кузатув кенгаши аъзоси Ф.Жураев сўзга чиқиб, 2018 йил 30 июндаги акциядорларининг умумий йиғилишида кворум бўлмаганлиги сабабли, жамият акциядорларининг такрорий умумий йиғилишини 2018 йил 11 июль куни соат 10-00да ўтказиш ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ йиғилиш кун тартибини ўзгартиришсиз қолдириш, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланиши бўйича таклиф берди.

Таклиф Кузатув кенгаши аъзолари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдор – 5 нафар;            Қарши – йўқ;            Бетараф – йўқ.**

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

1. **“Чирокчи пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг такрорий умумий йиғилиши 2018 йил 11 июль куни Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани, Мустақиллик кучаси 153-уйда жойлашган жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилсин. Йиғилишни бошланиш вақти соат 10-00 этиб белгилансин.**

2. **Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши кун тартиби ўзгаришсиз қолдирилсин.**

3. **Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар 2018 йил 30 июнда ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқлансин.**

4. **Жамият Бош директори А.Хаитовга:**

- **акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарларни жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юбориш;**

- **акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалари юзасидан тегишли ахборот (материаллар) акциядорларга тақдим этилиши юклатилсин.**

5. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун уч кишидан иборат, яъни жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи-Эшмуродов Абдираим Худойбердиевич, Жамиятнинг маскан ҳисобчиси Холлиев Фарход Кузибоевич ҳамда Ижро назорати нозири Чухмаров Баҳодир Эгамназаровичлар санок комиссиясига тавсия этилсин.

6. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишида қатнашиш ваколоти вилоят пахтасаноат мутахассиси Жумаев Акмал Ярашовичга берилсин.

Мажлисада раислик қилувчи:

Ш.А.Эролов. /  /

Кузатув кенгаши аъзолари:


Т.Ш.Мирзаев. / \_\_\_\_\_ /

Ш.И.Сафаров. / \_\_\_\_\_ /

Ж.М.Рахмонов. / \_\_\_\_\_ /


Ф.Ж.Жураев. /  /

Йиғилиш котиби:

А.Х.Эшмуродов. /  /

Мазкур Кузатув кенгаши баённомаси билан танишдим ва бир нусхасини олдим

Жамият Бош директори

А.О.Хаитов /  /

Баённома имзоланган сана: “\_\_”июнь 2018 йил.